

Охират кунига иймон



09:45 / 18.11.2023 1742

Ислом охират кунига иймон келтиришни ҳам иймондаги руқн масалаларидан қилган. Иймон келтириш лозим бўлган нарсалар ичида бу масалага алоҳида эътибор берилади. Нима учун бундай қилинганини бугунги кунда яхши тушуниб турибмиз.

Охират кунига иймон бўлмаса ёки мазкур кунга иймон заиф бўлса, инсониятнинг таназзулга юз тутишини тажриба кўрсатди. Охират кунда ҳамма одамлар қайта тирилишига, бу дунёда қилган амалларининг зарра-заррасигача мукофот ёки жазо олишига иймони йўқ одамдан яхшилик чиқиши амримаҳол. Агар охират кунига иймон-ишонч бўлмаса, ер юзида эзгулик ва адолатга эришиб бўлмайди. Охират кунига иймон йўқолиб, «Одам ўлганидан кейин чириб, йўқ бўлади, қайта тирилмайди» деган фикр ҳукмронлик қилса, ер юзида кучли кучсизни еб битирадиган «ўрмон қонунлари» жорий бўлади. Ҳа, агар золим бу дунёда қилган зулми учун жавоб бермаса, ёлғончи-фирибгар ўз ёлғони, фириби билан давр суриб қолиш пайида бўлаверса, хуллас, ҳамма бу фоний дунё матоҳи учун ҳар қандай ёмонликдан, ифлосликдан қайтмаса, бу дунё қандай дунё бўлади? Кучсизлар, мазлумлар, бечораларнинг ҳоли нима кечади? Ҳаёт кечириш ўз-ўзидан чексиз азобга айланиб, жамиятда ноумидлик, лоқайдлик ва ўзини ўзи ўлдиришлар кўпаймайдими?

Мазкур бало-офатлардан қутулиш учун кишилар инсофли, диёнатли, тўғрисиўз бўлишлари, барча ёмонликлардан қайтишлари лозим. Ёмонликдан қайтиш учун эса албатта, охират кунига иймон келтириш даркор.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.